

**“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ**

Ўтказиш санаси: 2019 йил 30 июнь.

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй,
“Ангрен логистика маркази” АЖ маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: соат 11:00 да.

Доимий фаолият юритувчи орган – “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгаши номидан Кузатув кенгаши раиси А.Ж. Раматов “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини, кворум бор-йўқлигини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб, сўзни санок комиссияси раиси М.З.Артыковга берди.

Санок комиссияси раиси М.З.Артыков “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг акция эгалари реестрига асосан шакллантирилган рўйхати 2019 йил 25 июнь ҳолатига ёпилганлиги, рўйхатга 4 190 681 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 7 та акциядор киритилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Санок комиссиясининг маълумотига асосан йиғилишга 4 190 681 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 7 та акциядор келган ва бу жами жойлаштирилган акцияларнинг 100 фоизини ташкил этади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд бўлганлиги сабабли акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини очиш тўғрисида таклиф билдирилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Розилар – 100 %

Қаршилар – йўқ

Бетерафлар – йўқ

Бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

1.	Б.Т.Абдураимов	“Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори
2.	Т.Ж.Ваккасов	“Ангрен логистика маркази” АЖ директори ўринбосари
3.	Д.А.Ширматова	“Ангрен логистика маркази” АЖ бош бухгалтери
4.	Г.Х.Турсиматова	Тафтиш комиссияси раиси
5.	Н.Н.Мусина	“Audit – varn” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори
6.	Ж.Ю.Турсунов	“Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгаши котиби
7.	А.Б.Исмоилов	“Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси

Б.Т.Абдураимов уч кишидан иборат Раёсат аъзоларини ва йиғилиш котибини қуйидаги таркибда сайлашни таклиф қилди:

А.Ж.Раматов - Кузатув кенгаши раиси – йиғилиш раиси

О.Ш.Темиров - раёсат аъзоси

А.Б.Исмоилов - раёсат аъзоси

Т.А.Шодиева - йиғилиш котиби

Рўйхат бўйича овозга кўйилди.

Розилар – 100 %

Қаршилар – йўқ

Бетерафлар – йўқ

Бир овоздан қабул қилинди.

Қарор қилинди: йиғилиш раёсати ва йиғилиш котиби таркиби тасдиқлансин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби:

1	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
2	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
3	“Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
5	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
6	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
7	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
8	2018 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
9	“Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
10	“Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
11	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.
12	“Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини акциядорларнинг 2019 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар узайтириш тўғрисида.
13	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича:

1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан А.Ж.Раматов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни санок комиссиясини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

1. Имамов Умарали Солижанович
2. Нурбоев Улуғбек Тоштемирович
3. Артыков Меҳриддин Зухриддинович

Шунингдек, сўзга чикувчи акциядорларга акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиб кўриб чиқилгандан кейин санок комиссиясига овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва йиғилишда эълон қилиш учун 15 дақиқа вақт беришни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан А.Ж.Раматов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 10 дақиқагача;

- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

Б.Т.Абдураимов кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш “бир овоз бериш ҳуқуқига эга акция – битта овоз” тамойили бўйича бюллетенлар орқали, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилишини таъкидлади.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан А.Б.Исмоилов “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Кузатув кенгашининг ҳисоботи эшитилгач, акциядорларга ҳисоботни маълумот учун қабул қилиш ва тасдиқлаш таклиф қилинди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Н.Н.Мусина сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди (хулоса илова қилинади).

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий ҳолати ва молиявий-хўжалик амалиётлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос келиши тўғрисида аудиторлик хулосаси берилган.

Д.А.Ширматова “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўтказилган Аудиторлик текшируви натижалари бўйича берилган аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

5. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги бешинчи масала юзасидан Г.Турсиматова сўзга чиқиб, Тафтиш комиссиясининг хулосаси билан таништирди (хулоса илова қилинади).

Тафтиш комиссияси хулосасида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун молиявий ҳисоботида молиявий-хўжалик фаолияти бўйича амалга оширилган кўрсаткичлар ҳаққоний ақс эттирилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши раиси А.Ж.Раматов акциядорларга “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти

яқунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

6. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот билан таништирди (ҳисобот илова қилинади).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Д.А.Ширматова сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил яқунлари бўйича соф фойдаси 13 487 233 сўмни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 6 декабрдаги 288-сонли қарорига асосан қўшимча “Е” контейнер майдони қурилиш учун “Ўзавтосаноат” АЖдан мақсадли займ олинган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг 2011 йил 30 июндаги йиллик умумий йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 мартдаги 156-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзавтосаноат” АЖдан 3 945,06 минг АҚШ доллари миқдорига 7 йил муддатга 6 % ставкали займ олиш тўғрисидаги шартнома кўриб чиқилиб тасдиқланган (йиғилиш баёни, мақсадли займ шартномаси нусхаси илова қилинади).

Тошкент вилоят хўжалик судининг 2016 йил 4 октябрдаги 10-1604/21916-сонли иш бўйича чиқарган қарорига асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ ҳисобидан “Ўзавтосаноат” АЖ фойдасига 2 655 899 018,93 сўмни ундириш белгиланган.

2019 йил 1 январь ҳолатига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг мақсадли займдан асосий қарз миқдори 2 457 762 275,45 сўмни ташкил қилади (солиштирма далолатнома илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Кузатув кенгаши аъзоларига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича 13 487 233 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлашни ва ушбу масалани акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритишни таклиф қилди:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 674 361,65 сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш;

- соф фойданинг 95 фоизини ташкил қилган 12 812 871,35 сўмлик қисмини “Ўзавтосаноат” АЖ олдидаги мақсадли займдан бўлган қарздорликни сўндиришга йўналтириш.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

8. Кун тартибидаги 2018 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан Н.Н.Мусина сўзга чиқиб, 2016 йилда Жамият томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, 2018 йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖда 2018 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилмаганлиги, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг бу борадаги фаолияти қониқарсиз эканлигини айтиб ўтди ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича фаолиятини қониқарсиз деб топиш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибига қуйидаги номзодларни бир йил муддатга сайлаш тўғрисида таклиф киритиб, овоз бериш кумулятив тарзда ўтказилишини айтиб ўтди:

1	Раматов Ачилбой Жуманиязович	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари
2	Ходжаев Ботир Асдуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири
3	Султанов Дилшод Шухратович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари
4	Умурзаков Сардор Ўктамович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири
5	Дехканов Даврон Тулкунович	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг ўринбосари
6	Хасилов Хуснутдин Нуритдинович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи
7	Файзиев Зафар Омонович	“Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси раиси
8	Коржиков Евгений Александрович	“Ўзкимёсаноат” АЖ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари
9	Хайдаров Илхом Уткурович	“Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси раиси
10	Жалилов Тохиржон Абдунабиевич	“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК АЖ Бошқарув раиси
11	Маҳмудов Шукурулло Насимхонович	Ангрен шаҳар ҳокими
12	Абдувалиев Абдурахмон Абдулхаевич	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси раиси
13	Юсупов Рустам Фархадович	“Ўзавтосаноат” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари
14	Турсунов Жамшид Юнусович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва мудофаа саноати масалалари котибиятининг Автомобиль йўлларини ва автомобиль транспортини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси
15	Абдужабборов Шерали Янгибаевич	Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси бош директори
16	Бобохонов Акрамхон Алохонович	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари
17	Сидиков Баходиржон Бахромович	“Ўзбекнефтегаз” АЖ Бошқарув раиси
18	Исмаилов Акрамжон Бозорбоевич	“Фарғонаазот” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари
19	Маҳкамова Насибахон Умаровна	“Фарғонаазот” АЖ юрист маслаҳатчиси
20	Ортиқов Зухриддин Шарофиддинович	“Фарғонаазот” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи
21	Якубов Сарвар	“Фарғонаазот” АЖ бўлим бошлиғи

22	Исмоилов Азамат Шавкатович	“Фарғонаазот” АЖ Истикболли ривожлантириш ва инвестицион лойиҳалар бошқармаси бошлиқ ўринбосари
----	----------------------------	---

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

10. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги ўнинчи масала юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни бир йил муддатга сайлаш тўғрисида таклиф киритди:

1. Ахмедова Мастура Аманахуновна
2. Турсиматова Гилавза Хайтбаевна
3. Ширматова Динара Акбаралиевна

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

11. Кун тартибидаги Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги ўн биринчи масала юзасидан Д.А.Ширматова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш бўйича қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушганлигини маълум қилди:

1. “Audit-Varn” МЧЖ контракт суммаси 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм.
2. “BALANS-INFORM-AUDIT” МЧЖ контракт суммаси 7 000 000 (етти миллион) сўм.

Д.Ширматова жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун “Audit-Varn” МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлаш, контракт суммасини 2 500 000 сўм қилиб белгилаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

12. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини акциядорларнинг 2019 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар узайтириш тўғрисида”ги ўн иккинчи масала юзасидан А.Б.Исмаилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш қоида тариқасида танлов асосида амалга оширилиши тўғрисида таъкидлади.

2019 йил 27 февраль куни “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан жамият акциядорларига жамият Бош директори лавозимига номзодларнинг рўйхатини тасдиқлаш ва танлов ўтказиш масаласини кўриб чиқиш мақсадида LC/40-сонли хат билан мурожаат этилиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори лавозимига номзодларни тавсия этишни сўралган.

“Ўзкимёсаноат” АЖ 2019 йил 9 апрелдаги 12-1990/Т-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори лавозимига Б.Т.Абдураимовнинг номзодини тавсия қилган. Бошқа акциядорлар томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори лавозимига номзодлар тавсия этилмаган.

О.Ш.Темиров “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Т.Абдураимов билан тузилган меҳнат шартномасини 2019 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кунига қадар, лекин бир йилдан ошмаган муддатга узайтириш, унинг ойлик иш ҳақини 5 136 722,25 сўм қилиб белгилаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

13. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн учинчи масала юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб:

- 2014 йил 6 майда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қучга кирганлиги ва унга Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли, 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли, 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли, 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сонли, 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли, 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли, 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли, 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунларига асосан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63-моддасига асосан жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўтгиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақлилиги;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 январда 2755-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-банди талабларини инобатга олиб, акциядор “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгаши аъзоллигига номзод кўрсатиши мумкинлиги;

- Қонуннинг “Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш” деб номланган 76-моддасига асосан:

- Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмаслиги;

- айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги;

- акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият Кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкинлиги, бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилиши;

- қуйидаги шахслар:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс
Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилиши;

- Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланиши;

- **акциядорларининг сони беш юздан ортиқ бўлган жамият учун жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби етти аъзодан кам бўлиши, акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмаслиги;**

- Давлат вакили лавозимига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмаслиги (қайта сайланмаслиги) тўғрисида маълум қилди.

Шу муносабат билан Б.Т.Абдураимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4136-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ахборот-таҳлил департаментлари тугатилганлиги, “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгаши раиси – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув раиси А.Раматов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – Транспорт вазири этиб тайинланганлиги, қонун талаблари бўйича давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс Кузатув кенгаши аъзоси бўла олмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 82-сонли қарорининг 8-илоvasида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва мудофаа саноати масалалари котибиятига бириктирилган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари рўйхати тасдиқланганлиги, мазкур рўйхатга “Ангрен логистика маркази” АЖ киритилмаганлиги;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4148-сонли қарорига асосан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг таъсисчиларидан бири бўлган “Ўзқурилишматериллари” АЖ “Ўзсаноатқурилишматериллари” уюшмасига айлантирилганлиги ва унинг “Ангрен логистика маркази” АЖ устав фондидаги 0,48 фоиз улуши Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилганлиги сабабли бугунги кунда “Ўзқурилишматериллари” АЖ “Ангрен логистика маркази” АЖнинг акциядорлари рўйхатидан чиққанлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги жамият акциядори ҳисобланишини қайд этди.

Шундан сўнг, Кузатув кенгаши аъзоларига “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 76-моддаси талабларига асосан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг акциядорлари сони етти нафар эканлигини инобатга олиб, жамият Кузатув кенгашининг

аъзолари сонини етти нафар этиб белгилаш, шунингдек, амалдаги жамият уставини 2014 йил 6 майда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сонли, 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли, 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли, 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли, 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунлари билан киритилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларга мослаштириб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлашни таклиф қилди (янги таҳрирдаги устав лойихаси илова қилинади).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 190 681 та овоз; 100 %
Қаршилар – йўқ.
Бетарфлар – йўқ.

Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Имамов Умарали Солижанович
2. Нурбоев Улуғбек Тоштемирович
3. Артыков Мехриддин Зухриддинович

2. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 190 681 та овоз; 100 %
Қаршилар – йўқ.
Бетарфлар – йўқ.

Йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлансин:

- йиғилиш кун тартибдаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масалда бўйича саваллар ва муҳокама учун 10 дақиқагача;
- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш таклифи маъқуллансин.

3. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2018 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 190 681 та овоз; 100 %
Қаршилар – йўқ.
Бетарфлар – йўқ.

Кузатув кенгашининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 190 681 та овоз; 100 %
Қаршилар – йўқ.
Бетарфлар – йўқ.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича берилган аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

5. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги бешинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 190 681 та овоз; 100 %
Қаршилар – йўқ.
Бетарфлар – йўқ.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

6. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 190 681 та овоз; 100 %
Қаршилар – йўқ.
Бетарфлар – йўқ.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи, жамиятнинг фойда ва зарари, бухгалтерия баланси тасдиқлансин.

7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 170 681 та овоз; 99,52 %
Қаршилар – 20 000 та овоз; 0,48 %
Бетарфлар – йўқ.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2018 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича 13 487 233 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 674 361,65 сўмлик қисми “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказилсин;

- соф фойданинг 95 фоизини ташкил қилган 12 812 713,35 сўмлик қисми “Ўзавтосаноат” АЖ олдидаги мақсадли займдан бўлган қарздорликни сўндиришга йўналтирилсин.

8. Кун тартибидаги 2018 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Розилар – 4 170 681 та овоз; 99,52 %

Қаршилар – йўқ.

Бетарфлар – 20 000 та овоз; 0,48%.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси коникарсиз деб баҳолансин.

9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала юзасидан:

Овоз берилди	Раматов Ачилбой Жуманиязович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Ходжаев Ботир Асдуллаевич	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Султанов Дилшод Шухратович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Умурзаков Сардор Ўктамович	0	та овоз
Овоз берилди	Дехканов Даврон Тулкунович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Хасилов Хуснутдин Нуриддинович	14 955 481	та овоз
Овоз берилди	Файзиев Зафар Омонович	0	та овоз
Овоз берилди	Коржиков Евгений Александрович	2 803 881	та овоз
Овоз берилди	Хайдаров Илхом Уткурович	0	та овоз
Овоз берилди	Жалилов Тохиржон Абдунабиевич	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Махмудов Шукурулло Насимхонович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Абдувалиев Абдурахмон Абдулхаевич	0	та овоз
Овоз берилди	Юсупов Рустам Фархадович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Турсунов Жамшид Юнусович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Абдужабборов Шерали Янгибаевич	2 803 881	та овоз
Овоз берилди	Бобохонов Акрамхон Алохонович	0	та овоз
Овоз берилди	Сидиков Баходиржон Бахромович	2 803 881	та овоз
Овоз берилди	Исмаилов Акрамжон Бозорбоевич	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Махкамова Насибахон Умаровна	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Ортиков Зухриддин Шарофиддинович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Якубов Сарвар	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Исмоилов Азамат Шавкатович	2 463 881	та овоз

“Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг қуйидаги таркиби бир йил муддатга сайлансин:

Овоз берилди	Раматов Ачилбой Жуманиязович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Ходжаев Ботир Асдуллаевич	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Султанов Дилшод Шухратович	2 463 881	та овоз

Овоз берилди	Дехканов Даврон Тулкунович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Хасилов Хуснутдин Нурутдинович	14 955 481	та овоз
Овоз берилди	Коржиков Евгений Александрович	2 803 881	та овоз
Овоз берилди	Жалилов Тохиржон Абдунабиевич	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Маҳмудов Шукурулло Насимхонович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Юсупов Рустам Фархадович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Турсунов Жамшид Юнусович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Абдужабборов Шерали Янгибаевич	2 803 881	та овоз
Овоз берилди	Сидиков Баходиржон Бахромович	2 803 881	та овоз
Овоз берилди	Исмаилов Акрамжон Бозорбоевич	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Махкамова Насибахон Умаровна	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Ортиков Зухриддин Шарофиддинович	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Якубов Сарвар	2 463 881	та овоз
Овоз берилди	Исмоилов Азамат Шавкатович	2 463 881	та овоз

10. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги ўнинчи масала юзасидан:

1. Ахмедова Мастура Аманахуновна

Ушбу қарор учун овоз берилди:
 Розилар – 4 150 681 та овоз; 99,04 %
 Қаршилар – йўқ.
 Бетарфлар – 40 000 та овоз; 0,96 %.

2. Турсиматова Гилавза Хайтбаевна

Ушбу қарор учун овоз берилди:
 Розилар – 4 150 681 та овоз; 99,04 %
 Қаршилар – йўқ.
 Бетарфлар – 40 000 та овоз; 0,96 %.

3. Ширматова Динара Акбаралиевна

Ушбу қарор учун овоз берилди:
 Розилар – 4 150 681 та овоз; 99,04 %
 Қаршилар – йўқ.
 Бетарфлар – 40 000 та овоз; 0,96 %.

Тафтиш комиссиясининг юқорида кўрсатилган таркиби бир йил муддатга сайлансин.

11. Кун тартибидаги Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги ўн биринчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
 Розилар – 4 170 681 та овоз; 99,52 %
 Қаршилар – йўқ.
 Бетарфлар – 40 000 та овоз; 0,48 %.

“Ангрен логистика маркази” Ажнинг 2019 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун “Audit-Varn” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин, контракт суммаси 2 500 000 сўм қилиб белгилансин.

12. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини акциядорларнинг 2019 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар узайтириш тўғрисида”ги ўн иккинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 170 681 та овоз; 99,52 %
Қаршилар – 20 000 та овоз; 0,48 %
Бетарфлар – йўқ.

“Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Т.Абдураимов билан тузилган меҳнат шартномаси 2019 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кунига қадар, лекин бир йилдан ошмаган муддатга узайтирилсин, унинг ойлик иш ҳақи 5 136 722,25 сўм қилиб белгилансин.

13. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн учинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 4 190 681 та овоз; 100 %
Қаршилар – йўқ.
Бетарфлар – йўқ.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси


А.Ж.Раматов

Йиғилиш котиби



Т.А.Шодиева

Баённома имзоланган сана: 2019 йил 08 июль

